

“Тасдиқлайман”

Ўзбекистон Республикаси  
Алкоголь ва тамаки бозорини  
тартибга солиш ҳамда  
виночиликни ривожлантириш  
агентлиги директори ўринбосари



Ш. Ражабов

2022 йил

Узумчилик соҳасини ривожлантириш, юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришиш мақсадида деҳқон, кластер ва фермерлар учун ток касалликлари ва зараркунандалари бўйича маълумот бериш мақсадида мутахассислар тавсияларидан келиб чиқиб, ролик тайёрлаш

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Т/р	Техник топшириқ бўйича маълумот ва талаблар	Техник топшириқ бўйича маълумот ва талабларнинг асосий мазмуни
1.	Хизматлар кўрсатишнинг номланиши	Узумчилик соҳасини ривожлантириш, юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришиш мақсадида ташаббускор ва фермерлар учун ток касалликлари ва зараркунандалари бўйича маълумот бериш мақсадида мутахассислар тавсияларидан келиб чиқиб йўналтириш.
2.	Лойиҳани амалга ошириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги 6033-сонли Фармониға мувофиқ, Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган: виночилик хом ашё базасини мустаҳкамлашга ва саноатбоп токзорлар плантацияларини кенгайтиришга, виночилик корхоналарини комплекс модернизациялашга, замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этишга ҳамда виночилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш.

		<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги 5200-сонли қарорида:</p> <p>Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини йўлга қўйиш.</p>
3.	Молиялаштириш манбаи	<p>Ўзбекистон Республикаси алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари</p>
4.	Буюртмачи томонидан бажарувчидан талаб этиладиган ишлар ва хизматлар рўйхати ва уларнинг ҳажми (миқдори)	<p>1. Видеоролик учун ёзилган сценарийда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Узум токи касалликларининг турлари ва ушбу касалликларнинг олдини олиш ҳамда хавф даражасини камайтириш, бартариф этиш борасида амалий тавсиялар;</li> <li>- Ток зараркунандаларига қарши кураш чоралари ва уларнинг турлари;</li> <li>- Узум токи ҳосилдорлиги ва сифатини сақлаб қолишда тавсиялар;</li> <li>- Барча маълумотлар ҳудудлар миқёсини, токзор ҳажмини ва аҳоли хонадонлари учун ҳам мутахассис тавсиясини қамраб олиш лозим;</li> </ul> <p>2. Тасвирга олиш гуруҳи ўзининг юқори малакага эга суръатга олувчилар ҳамда режиссёрларига эга бўлиши, улар ўз ишининг профессионал устаси бўлиши кераклиги, шунингдек, ижодий гуруҳнинг зарур техникалари ҳам бугунги кун талабига тўлиқ жавоб берадиган, замонавий бўлиши.</p> <p>3. Битта видеороликнинг давомийлиги 2 хил вақтга эга бўлиши яъни, 1 дақиқадан 2 дақиқাগача бўлиши эфир ва телеграмм каналлар учун, иккинчиси эса ташаббускор ва фермерларларга маълумот тариқасида бериш учун. Ушбу вариантнинг вақти 4-5 дақиқа бўлиши зарур.</p> <p>4. Сюжетларда албатта анимацион графикалардан фойдаланиш ва ўз</p>

		<p>навбатида ижодий гуруҳ аъзолари компьютер графикасидан яхши хабардор бўлиши.</p> <p>5. Ушбу ролик Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг барча каналларида бериб борилиши даражадаги сифатга эга бўлиши шарт.</p> <p>6. Ушбу роликни телеканалларда берилиши ва ижтимоий тармоқлар, телеграм каналларда қўйилишига монанд форматда берилиши лозим.</p>
5.	Бажариладиган ишлар ва хизматларнинг аниқ манзили.	Тошкент шаҳри, зарур ҳолларда вилоятларга чиқилади
6.	Ишлар ва хизматларнинг мураккаблигига қараб, бажарувчига қўйиладиган талаблар	Агентлик, ўтказилган танловлар асосида ҳар томонлама қулай, маъқул шaroитларни таклиф қилган иштирокчилар билан бажариладиган ишлар ва хизматлар бўйича шартномалар тузади.
7.	Ишлар ва хизматларни бажаришда қўйиладиган талаблар	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Етказиб берувчи ташкилот ушбу йўналишда фаолият олиб борган бўлиши зарур (Гувоҳнома);</li> <li>2. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларнинг йўқлиги (маълумотнома);</li> <li>3. Етказиб берувчи ушбу танлов бўйича хизматларни техник топшириқларга қатъий мувофиқ тақдим этиш тўғрисидаги қафолат хати бериши шарт;</li> <li>4. Етказиб берувчи ташкилотда камида 2 та профессионал ходимга эга бўлиши керак; (Мавжудлиги тўғрисида қафолат хати);</li> <li>5. Етказиб берувчи томонидан тасвирга олиш учун камида 1 дона РЕД камера ҳамда 1 дона дрон мавжуд бўлиши керак; (Қафолат хати);</li> </ol>
8.	Ишлар ва хизматларни бажариш муддатлари	Ишлар ва хизматларни лойиҳалаш ишларни бажариш муддатлари шартнома имзолангандан сўнг 10

	сарфланадиган маблағлар миқдори	календар кунида бажарилган ишнинг умумий қиймати 30 млн сўмни ташкил этади. Барча бажарилган ишлар шартномада кўрсатилган ҳажм, миқдор талаблари бўйича амалга оширилади.
9.	Бажарилган ишлар ва хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш тартиби	Ҳисобот ҳужжатлари Агентликка қоғоз ва электрон ҳолда, қатъий сўров ва шартномада келишилган тилда топширилади.
10.	Бажарилган ишлар ва хизматларнинг техник ва бошқа ҳужжатларини давлат буюртмачисига топшириш бўйича талаблар	Видеоролик якуни 4-пункт талабларида акс эттирилган лойиҳа кўринишидаги ҳисобот ҳисобланади. Лойиҳа буюртмачига қоғозда бир нусхада ва электрон ҳолда топширилади.
11.	Бажарувчининг талабларига таклифлар	Бажарувчи 4 бандда кўрсатилгандек амалга оширадиган ишлар босқичлари ва усуллари аниқ белгилаган ишончли ҳужжатларини тақдим қилишлари лозим.